



Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихида аччиқ сабоқ бўладиган воқеа-ходисалар кўп. Бундан салкам 150 йил аввал Хоразм заминида оёқ қўйган америкалик журналист Алоизий Януарий Мак Гаханнинг “Оксусдаги харбий ҳаракатлар ва Хиванинг кулаши” китобини ўқиркансиз, ўша замон хонларининг истилочиларга қарши курашда халқ бошини қовуштиролмагани, ганим олдида ночорлигини қўриб, афсус ва надомат чекасиз...

1870 йилга келиб Россия империяси Марказий Осиёдаги 2 та йирик давлат Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигини эгаллаб бўлган эди. Хива хонлиги ҳамма томондан Россия қуршовида қолган сўнгги мустакил давлат эди. Хива хонлигини забт этиш экспедициясига 4 та отряд – Тошкентдан (генерал адъютант фон Кауфман), Оренбургдан (генерал Н.А. Верёвкин), Мангкишлоқдан (полковник Н.П. Ломакин) ва Красноводскдан (полковник В.И. Маркозов) бошчилигида 2-5 минг аскардан жами 13 минг аскар сафарбар этилган эди. Уларнинг ихтиёрида 56 та ўзиюрар тўп, замбараклар, 4600 та от ва қирғиз(қозок)лардан ижарага олинган 20 минг туя бор эди.

### Истилонинг бошланиши

Рус армиясининг Хивага юриши узок ўйланган режа бўлиб, бунга жиддий тайёргарлик қўрилган эди. Ўн битта пиёдалар ротаси – 1650 киши, 1 та сапёрлар ротаси, 4 та отлик артиллерия замбараклари, 6 та пиёдалар артиллерияси ва 1,5 та ракета батареяси жами 2500 кишидан иборат генерал фон Кауфман қўшини 1873 йил 15 мартда Тошкентдан йўлга чиққанди. Бирлашган қўшинга қўмондонлик вазифаси ҳам Кауфман зиммасида эди.

1873 йил 26 февраль, қорли қишлоқ кунда генерал Верёвкин қўмондонлигида яна бир қўшин Оренбургдан бепоён Дашти Кипчокни оралаб Хивага йўл олди. Юриш жуда машаққатли кечди: қаттиқ аёзда бошланган юриш жазирама иссиқ билан Хивада нияланди. АКШнинг “New York Herald” ва Лондоннинг “Deilu News” газеталари мухбири Алоизий Януарий Мак Гахан мазкур экспедицияда иштирок этиб, ўз хотиралари асосида

юкорида номи зикр этилган китобни ёзди. Мухбир эътирофича, истилочилар йўлда деярли хар куни ракиб хужумига рўпара бўлган.

14 майда Оренбург ҳамда Мангишлок кўшинлари бирлашди. 20-21 майда хиваликлар дастлаб Хўжаелида душман кучларини тўхтатишга ҳаракат килди. Аммо боскинчилар хиваликлар хужумини синдириб, култепага айланган Мангитга кириб келишди. Икки кунда хиваликлар 3 мингдан ортиқ аскарни йўқотганига қарамай, 22 майда Киётда яна хужумга ўтишди ва афсуски, мағлуб этилди. Боскинчилар Кўнгиротга кириб келганида қаъла ва шаҳар хувиллаб ётарди. Шаҳар камал килинган куни генералга Кўнгирот доругасидан келган чопар галати талабни қўяди: “Шаҳар химояси учун пойтахтдан замбараклар етиб келгунча руслар 3 кун сабр килиб турсинлар. Агар руслар қайсарлик килиб, хужумга ўтсалар, биз улар билан жангдан бош тортамыз”.

Хеч шунакаси ҳам бўладими? Бу таклиф боскинчи учун айна муддао эмасми? Истилочилар фурсатни бой бермай хужумга ўтди. Шаҳар доругаси эса ақалли битта ҳам ўқ отмай, қаълани тарк этди. Душман Кўнгиротдан ўтгач, хиваликлар тўдалари кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Отишмасиз ўтган кун бўлмади. Хиваликлар кун бўйи отрядлар ён тарафларидан ёввойи кичкирик билан даф солар ё озик-овқат қарвонига хужум килиб, кўшинга кечаю-кундуз тиним бермасди.

#### Амударёнинг газаби

Генерал Кауфман қўмондонлигидаги рус аскарлари 18 май куни 50-70 киши сизадиган 3 та катта қайик ва 8 та солда Амударёдан ўта бошлади. “Чодирлар қирғокка тикилган ва бизлар қаршимиздаги манзарага эринчоклик билан кўз ташлаб қалин ўтлар устида ётардик, дейди журналист. – Манзара ўта табиий ва гўзал эди: нариги томонда қалин гужумлар ва мевали дарахтзорлар, улар орасида ўзбек уйларининг қуланг деворлари ва маҳитнинг қўрқам айвони кўзга ташланарди. Дарё қирғоги бўйлаб ёввойи ва сирли Хива мамлақати жимжит ва ҳўмрайган алфозда ястаниб ётарди. Эртақлардаги афсонавий ўлка, унинг жохил хонлари, фанат мусулмон халқи, гўзал аёллари, хали европалар оёғи етмаган сирли мамлакат шундоқкина рўпарамда турарди”.

Аскарлардан ҳеч бири бундай улкан дарёни қўрмаган бўлса-да, ўрдақ жўжаларидек сувга ўзини ташларди. Қайик сўл қирғокка ўтиши учун 20 дақиқа ва қайтиши учун 20 дақиқа талаб қилса-да, шиддатли оқим уни анча қуйига суриб кетарди. Қайикни аввалги жойига қайтариш учун 1 соат керак бўларди. Энг, афсусланарлиси, душмanning дарёдан ўтишига ҳеч бир монелик қўрсатилмади.

Муаллиф хиваликларнинг мудофаага ноқобиллиги хакида таассуф-ла сўз юритиб, химоячилар ҳеч қурса баланд қирғокдан туриб, қайикда ўтаётган душманни қириб ташлаши мумкин эди, дейди. Бу ҳолатда, шубҳасиз, артиллерия аскарларни химоя қила олмасди. Кечга яқин 4 та рота ва 2 та тоғлик батарея чап қирғокка ўтди. Хивада бу пайтда нима воқеалар рўй бераётганини ҳеч қим билмасди. Хон хали ҳам душманга жиддий зарба беришни ўйлаётими, шунинг учун уларга дарёдан ўтишга йўл қўйиб бердимиз? Ёки руслардан қўриқиб, чексиз қум барханлари ортига бекиндими? Муаллиф шундай иштибоҳлар ичра тураркан, генерал Верёвкиннинг қўшини шимол томондан

шахарга якинлашиб келган эди.

Дарёдан ўтиб холдан тойган кўшин айна уйкуга кетган тунги соат 12 да тўсатдан тревога кўтарилди. Аскарлар дарров оёкка калкиб, хиваликлар хужум килдими, деган ўйда апил-тапил курол-ярокларига ёпишди. Аён бўлдики, кундузи ювошгина кўринган Оксус суви кескин кўтарилиб, аскарларнинг беписандлигидан гўё қахрланиб, уларни махв этишга шайланаётган эди. Уч соат ичида дарё 6 фут(1 фут – 31 см.) кўтарилиб, аскарлар хаётига жиддий хавф тугилди. Кўшин сув балосидан ўзини куткариш учун жон холатда тепаликка караб тирмашди.

Ўша давр муаррихи Мухаммад Юсуф Баёний ўзининг “Шажарайи” Хоразмшохий” асарида юкоридаги воқеаларни куйидагича шарх этади: “Кауфман Жайхун нахрининг бир миллиги (1 мил – 1600 метр)га келганда, тамоми ўзбак ва туркман отлилари келиб Кауфманнинг тўрт тарафидин от кўюб уруш бошладилар. Русиядин кўп оту тева ва одам халок бўлди. Охир, Русия аскарлари яна навижд(замонавий) ярогларнинг ионат(кўмак)лари била Хоразм лашкарига шикаст бериб, Жайхун кенорига чикдилар ва Жайхунни мундог вусъат(шиддат) била окиб тургонин кўруб хайрон бўлдилар. Девонбеги оларни кўруб тамоми лашкари била охиста-охиста Жайхунни ёкалаб кайта берди. Кауфман ҳам изларидин нарм-нарм(аста-аста) кела берди. Девонбеги Тошсоко тушига келганда Жайхуннинг жануб тарафига ўтуб буюрди: тўпчилар Русия аскарининг тарафларига кўп тўп отдилар. Кауфман дарёдин бир микдор кема топиб, аскарин Жайхундин ўткармакка мукайяд бўлди. Ул вақтда оларга Хоразм лашкаридин ҳеч дастбурд (шикаст)етмай, тамоми аскарин осудалик била Жайхундин ўткарди. Ондин сўнг Кауфман билдиким, эмди Хевакга боргунча онга муковамат (тенг келадиган ) этгудек киши йўқдур. Далерона йўлга кириб кела берди. Бир окшом дарёнинг ёвукида ётиб эрдилар. Ярим окшомда дарё тошиб, аскарни сув босибдур. Кауфман саросима бўлуб чикиб буюрди: аскар юз машаккат билан ахмолу асколларни сувдин олиб чикибдурлар”.

Тириклай ёкилганлар

Армия эндиликда воҳанинг унумдор ерларига кадам кўйди. Шаркираган ариқлар, мевазор боғлар ва тигиз уйлар орасидан ўтаётган душманни хиваликлар куршовга олди. Очикда жанг килишга мослашган руслар аскарига бу фалокатли эди. Пиёдалар деворларни тешиб химоячиларни замбараклардан ўкка тутди. Химоячилар сезиларли йўқотиш билан ортга чекинди. Хиваликлар бу ерда катта йўқотишлар килди, душмандан кўркиб уйларига бекиниб олганлар тириклай ёкиб юборилди.

23 май куни туш пайти хондан сулх тўгрисида таклиф олинди. Хон ўз хатида уларни иззат-хурмат билан кутиб олиш учун 3-4 кун фурсат беришини сўраган, русларга ҳеч қандай хусумати йўқлигини ҳамда авбош туркманларга сўзи ўтмаётганини таъкидлаган эди, аммо Верёвкин таклифни рад этди.

Хива дарвозаси олдида

26 май куни колонна Хива шимолий дарвозасидан 4 верст(1 верст – 1 км.) узокликда хоннинг шаҳар ташидаги Шонохчик саройи олдида етди. Руслар бу манзилда 3 кун турди

ва Хива кўшинлари билан кетма-кет жанглар бўлди. Мазкур тўқнашувларда хиваликлар 400-500 нафар одамани йўқотди.

Бу пайтгача ҳам генерал фон Кауфман отряди якинлашаётгани хакида хабар келмаган, аксинча, Туркистон отряди озик-овкат такчиллигидан дарё томонга кайтгани ва 100 верст узоқдалиги хакида узункулок гаплар таркалди. Шу каби мишмишлар, хиваликларнинг тўхтовсиз каршиликлари, колаверса, хоннинг шаҳар деворлари ёнида катта жангга тараддуд кўраётгани хакидаги хабарлар Верёвкиннинг Хивага хужумини тезлаштирди.

### Хужум

28 май куни руслар шаҳарга караб юрди. Катта гуруҳ бўлиб турган хиваликлар хужумга ботинмади. Истилочи кўшинлар икки ёндан девор билан куршалган тор йўлакка кирди. Бу тор йўлдан шовурсиз ва эҳтиёткорлик билан юрилса-да, кўтарилган чанг туфайли отряддаги аскар ёнидаги шеригини кўра олмасди. Кутилмаганда ишга тушган замбараклар ва милтиклар худди момакалдирокдек гумбурлади. Бу худди бир тузук эди. Девор йўлагидан кетаётган боскинчилар ўзлари билмаган холда шаҳар деворига юз метрча якин келиб қолган ва хиваликлар уларни тутдай тўкарди. Замбараклар кетма-кет гумбурлар, аммо хиваликлар отган ўқларнинг аксарияти отряд тепасидан ўтиб кетарди. Шунга карамай, рус аскарлари бирин-кетин ер тишлай бошлади.

Улар учун ягона нажот ўқ ёмгири остида девор бўйлаб югуриш эди. Аскарлар бир неча дакикадан кейин шаҳар дарвозаси олдида турар, каршисида эса баланд тупроккўргон бўлиб, у тўртта замбарак билан химояланган эди. Артиллерияга олга силжишга буйруқ берилди, аммо хиваликлар отишмаси шунчалик кучайдики, генерал тупроккўргонни штурм қилишга буйруқ берди. У ерга 2 та пиёдалар ротаси ташланди. Пиёдалар дўнгликка бир неча кадам етмай, сув тўлдирилган чуқур ва кенг хандакка, унга ўрнатилган тор кўприкка дуч келишди. Ажабо, хиваликлар бу кўприкни портлатишни унутишганди.

Руслар ўқ ёмгири остида кўприкдан ўтишди ва тўпчиларни милтик кўндоклари билан уриб, тепаликни эгаллашди. Аммо хужум зўрлигидан руслар хандак киргоклариغا яширинишга мажбур бўлишди, уларнинг каршиликлари хиваликларнинг химоя позицияларига асло таъсир этмасди. Бу ҳолат чорак соатдан зиёд давом этди. Верёвкин бошидан каттик жараланди. Эндиликда полковник Скобелев бошчилигида очик бомбардимон бошланди. Тўрт соатлик аёвсиз жангдан кейин хоннинг чопари хужумни тўхтатиш ва таслим бўлиш(капитуляция) шартлари борасида музокарага киришиш таклифини келтирди.

### Хивага кириш

Кейинги кун эрталаб шаҳарга кирилди. Хивада ўтган кеча нималар содир бўлгани хакида бир-бирига зид гаплар юрарди. Эмишки, халқ хон Хивани русларга топшираётганидан норози бўлиб ҳукмдорни қувиб юборгану, ўрнига руслар билан урушишга бел боғлаган укасини қўймоқчи.

“Бундан урушишга талабгор бўлган душман аскарлари кувониб кетди, деб ёзади Мак Гахан. – Аммо бу кувонч узок чўзилмади. Хивадан 5 верстча узокда фон Кауфманни хоннинг амакиси Саид Амир ал Умаро мулозимлари билан кутиб олди. У шаҳарни русларга топшириш учун келганини, халк хоннинг кувмагани, аксинча, унинг ўзи кочиб кетганини айтди”.

Мак Гахан саройдаги ҳеч бир нарсани кўздан кочирмайди. Хусусан, бу ерда сакланаётган турли курол-аслаҳалар, тилла сопли киличлар, марварид-жавохирлару уч юз жилддан иборат ноёб китобларни кайд этади. Чарм мукова копланган бу кимматбаҳо китоблар орасида “Дунё тарихи” ва Хива тарихига оид китоблар алоҳида ажралиб турарди. Унинг таъкидлашича, китобларнинг барчаси ўша захоти Петербургда, император кутубхонасига олиб кетилган.

Хон ва генерал учрашуви

Фон Кауфман билан хоннинг учрашиши, мулоқот давомида генералнинг хонга менсимасдан килган муносабатига муаллиф алоҳида эътибор қаратади:

– Хўш, хон, деди Кауфман, Мана уч йил аввал ваъда берганимдек сизни кўришга келдим.

Хон: – Ха, бу ҳам Аллохнинг иродаси.

Кауфман: – Йўқ хон, сизнинг ўзингиз бунга сабабчисиз. Агар 3 йил аввал айтган маслаҳатимга кулоқ солганингизда, талабларимни бажарганингизда мени бу ерда кўрмасдингиз. Бошқача айтганда, айтганимга қўнганингизда Аллохнинг иродаси ўзгача бўларди.

Хон: – Ярим подшони(Кауфманга ишора қиляпти) кўрганимдан кувончим шунчаларки, бундан бошқача бўлишини истайман.

Кауфман: – (кулиб) ишонтириб айтаманки, бу ҳолда кувончингизга шерикман. Хўш, ишга ўтсак, энди не қилмоқчисиз?

Хон: – Буни сизнинг улкан аклингиз хал қилади. Мен бир нарсани, яъни окпошшога хизмакорликни истайман.

Кауфман: – Жуда соз, истасангиз хизматкор эмас, дўст бўлишингиз мумкин. Факат маълум шарт билан, бу ҳақда биз хали кенгашамиз.

Хон: – Биламан, мендан хатолик ўтди, окпошшодан ва ярим пошшодан жуда миннатдорман.

Кауфман: – Энди ўз пойтахтингизга кайтинг, халкингизни бошқаринг ва тартибни сакланг. Фуқароларингиз ўз юмушлари билан машғул бўлсинлар.

Ушбу мулокот хакида Мухаммад Юсуф Баёний шундай дейди: “Хон хазратлари дарахт соясига тикилган ул Кауфман чодирининг ёвукига бориб, отдин тушуб эрдилар, Кауфман истикболларига чикиб, кўл олишиб кўрушуб, хуш келдингиз, деб эъзозу икром, тамому эхтиром била чодирга киргузуб юкорида ўлтургузуб, пахлуларида ўзи ўлтурди. Кўрушуб, сўрашиб бўлгондин сўнг Кауфман деди: “Ман мундин уч йил бурун аскар била сизнинг тарафингизга борурман деган ваъдамга вафо килмок учун келдим”. Хон хазратлари дедилар: “Бу худонинг такдиридур”. Кауфман деди: “Бу сўзунгиз хатодур. Не учунким, уч йилликда менинг юборган номамнинг мазмунига амал этсангиз эрди, мани бу ерларда асло кўрмас эрдингиз ва Худо ҳам менинг бу ерга келмакимни такдир этмас эрди”. Хон хазратлари дедилар: “Хеч нима такдирдин ташкари бўлмасдур. Бахархол, сиз била кўрушганимизга мамнундурмиз”. Кауфман табассум этиб деди: “Бу мамнуният якка сиз тарафдан эрмас, биз тарафда ҳам бордур. Аммо, кўрушганимиз дўстона тарикада бўлса эрди, не бало яхши бўлур эрди”. Ондин сўнг яна Кауфман деди: “Эмди авкот(вакт)ни зоеъ килмай максудга шуруъ килмок авлодур. Бас, алхол, не фикрдадурсиз ва не иш этмак матлубингиздур?” Хон хазратлари дедилар: “Биз имфератур аъзам хазратларининг тахти фармонидадурмиз”. Кауфман хушхол бўлуб деди: “Багоят яхши сўз айтдингиз. Сиз имфератур аъзам хазратларига максудингиз муктазосича(такозо) навъи итоат этиб, муттафак(иттифокдош) ва дўсти бўлуб навъи мадоро била ўлтурсангиз ҳам бўлур. Мундан ҳам имфератур хазратлари сизни тожу тахтингиздин махрум этмакнинг фикрида эрмасдурлар. Бас, кайтиб тахтгохингизга бориб раят(халк)га фарогатлик муждасин еткурунг. Хамма ўз ишларига машгул бўлуб, форигул-бол юрусувларким, бизлар бу ерга торож учун ва ё ўзга тасаллутот(максад)да келганимиз йўқдур”. Хон хазратлари онинг бу сўзларидин хушхол бўлуб, миннатдорлик изхорин этдилар. Ондин сўнг яна бир микдор хар тарафдин сўз айтишиб, дўстона муонасату(якинлик) мусохабат этиб ўлтуруб баъдаз Кауфман била видолашиб отланиб шахарга кайтдилар ва Аркни супуртириб покиза килиб тўшатиб, Аркка кириб тахти давлатда карор тутдилар”.

## Киргин

Капитуляция шартларига кўра, Хива хонлигига 2 миллион 200 минг тилло (бу хозирги кийматда тахминан 79,5 миллион доллар ёки салкам 6 миллиард рублга тўгри келади) товон(контрибуция) солинди. Бундан 300 минг тилло туркман ахолисига тўгри келарди. Туркманларнинг айрим кабилалари, жумладан явмутлар бу маблагни тўлашдан бош тортиб, исён кўтарди. Уларнинг исёнини бостириш учун 7 июль куни генерал-майор Головачев кўмондонлигида 8 та пиёдалар ротаси, ўнта замбарак, 2 та картеч билан курулганиб, явмутлар худуди – Гозиобод тарафга юриш бошлади. Мак Гахан казаклар томонидан ахоли уйлари, даладаги янчилмаган бугдой гарамларига шафкатсизларча ўт кўйилганини ачиниш ва таассуф ила баён этади:

– “Жангчилар кўлларида ёниб турган калтаклари билан чукур ва деворлардан худди иблис каби сакраб ўтиб, ортидан олов ва тутунни колдирарди, дейди муаллиф. – Улар бамайлихотир уйларга якинлашиб ёнаётган оловни сомон бўготларга ва бугдой гарамларига отарди. Хаял ўтмай гуриллаган олов тўлкини ва осмонга кўтарилган коп-кора тутун аскар бу ишни койилмаком уддалаганини тасдиқларди”.

“Бутун мамлакат олов ичида ёнарди, дея сўзида давом этади муаллиф. – Аянчли бу манзара гаройиб бу мамлакат ва унинг содда фукаролари билан ёвузларча хисоб-китоб килаётган урушнинг вахшатли томошаси эди.” Аскарлар икки ёғи ҳам ёнаётган нотекис, тор йўлда ҳаракатланарди. Тушгача шундай юрилгач, душман авангарди отлик кўшинга дуч келди. Улар боскинчиларга “Биз сизларга нима ёмонлик килдик, нима учун бизнинг юртмизга бостириб кирдингиз?” деган савол билан мурожаат қилишди. Уларнинг авзойидан урушни давом эттириш истаги кўриниб турарди. Руслар ҳам урушни хохлаб турар, бошқа гапга ҳожат йўқ эди. Шу боис отликлар саволларига жавоб ҳам олмасдан чекинаётган ҳамрохлари ортидан от чоптириб кетишди.

Линия бўйлаб олга ҳаракат қилиш буйруғи тарқалди. Аҳоли қолдириб кетган кетган кўй-эчки, мол-ҳоллар ҳар ёкка сочилиб кетганди. Ҳамма ерда қочкинларнинг уй рўзгор буюмлари сочилиб ётар, юк ортилган туялар, отга тиркалган аравалар эгасиз қолганди.

– Мен атрофга қараш учун бир дақиқа тўхтадим, дея ҳикоя қилади Мак Гахан. – Мана, бошидан ўқ еган туркман қумда ётибди: ундан сал нарида юзини қилич тилиб кетган казак жон талвасасида. 3-4 болани тўсиб олган икки аёл қумга ўтирганча казаклардан шафқат сўраб ёлвормокда. Мен аёлларни тинчлантириш учун “омон, омон”, дея бақираман.

Боскинчиларнинг ямутлар бошига солган бундай шўришлари Мухаммад Юсуф Баёний тасвирида янада фожеали акс этади: “Галавачоф ямутларнинг таъқиблари учун казок отлиларининг ораларидин етти бўлак отлини интиҳоб этиб, Принс Южин отлиг бир зобитни оларга саркарда қилиб ирсол этди. Булар бир мил микдори йўл юруб, бир жамоат ямутларнинг изларидин еттиларким, баъзилари қаррилик жихатидин, баъзилари беморлик сабабидин ва баъзилари аёлу атфол(гўдак)ларига ҳамрохлик этиб ўғлонларин орқаларига қўтармак била ҳориб суст бўлуб, афтону ҳезон борур эрдилар. Казок отлилар оларни кўрган ҳамоно от солиб бориб ҳаммаларини қатл эттилар. Ондин ўтуб яна бир жамоа ямутларнинг изларидин еттиларким, олар ҳам аёлу атфоллари била чулошиб ва бир микдор кўю эчкиларин суруб ахволи ҳароб била борур эрдилар. Казок отлилари ҳайё-хуй уқби била қичқуришиб от солиб қелиб оралашиб қатл қила бердилар. Ямутларнинг қўп атфоллари отларнинг оёқлари остида қолиб, нечалари ўлуб, нечалари нимжон била ота-оналарига қичқурур эрдилар. Ул ҳолда ямутларнинг қўзларига дунёву жаҳон қоронғу бўлуб, Русия аскарига аксум(қасдма-қасд) бўлдилар. Баъзи хотунларнинг ҳам чап қўлида боласи ва ўнг қўлида тиг била Русия отлиларига ҳамла қилур эрдилар. Бир микдор уруш бўлгондин сўнг, Русия аскари қолиб қелиб, оларнинг ҳам ҳаммаларин тигу тўфанг билан қириб тамом этдилар.

Баъзи захмдорлар ўлукларнинг ораларида ўзларини ўлукдек этиб ётмиш эрдилар, Русия аскари найза била уруб ўлтурур эрдилар. Ва ул ерда бир қичик қўл бор эрди, йигирмадин қўпроқ хотунлар ўғлонларин қучоқларига олиб ул қўлга қириб сув ичида экинларнинг ораларида пинҳон бўлуб туруб эрдилар, Русия аскари оларни кўруб милтук ўқи била оларни уруб қатл этдилар”.

Истилочи аскарлар эртасига ҳам ҳамма ёкка ўт қўйиб, одамларни ўлдириб йўлда давом этди. Рус армияси ўз ортида уч мил қенгликда қулга айланган полоса қолдириб борарди.

Хамма кулбаларда сукунат хоким, уларнинг кўпида кундалик хаёт нишонлари, гўдакларнинг оёк излари, аёлларнинг супрадаги хамирлари, урчукдаги иплари кўзга ташланарди...

– “Барча ўтовлар таланиб, ёкилгандан уч соат ўтиб биз оркага, Иляли тарафга жўнадик, дейди Мак Гахан. – Аскарларга барча кимматли ашёларни олиб, колганларини ёкиб юбориш буюрилган эди. Гидамлар, ипак матолар, кўйлақлар ва кумуш такинчоклар олинди. Аскарлар яроксиз деб билган колган барча ашёларни – пахта, эски гидамлар, бугдой, ун ва рўзгор ускуналарини ташлаб кетишди. Канчадан канча бахтли хўжаликларнинг вайрон этилганини кўриш жуда огир эди.

– Мана уч нафар явмутнинг конга беланган жасади, дея давом этади муаллиф, улар атрофида 6 та 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган гўдаклар уймалашади. Улардан каттаси кичкиналарга гамхўрлик килиб, бой ўтовдан колган эски гидам ва кўрпалардан тўшак килиб бермокда. Улар якинига келганимда ҳам бола менга кайрилиб карамай ўз ишида давом этди. Ишончим комилки, унинг бола юраги менга қарши газабга тўла эди. Йигирма йиллар ўтиб, кофирлар(гайридинлар)лардан қай бири унинг гўдак қалбига экилган аламнинг қудратини кўрса ажаб эмас.

1873 йил 12 августда Хива якинидаги Гандимиён қишлоғида Россия билан Хива хонлиги ўртасида шармандали битим тузилди. Унга кўра, хон рус подшоҳи вассалига айланди. Амударёнинг ўн қиргоғидаги ерлар Россияга ихтиёрига ўтди. Рус савдо кемаларининг бундан буён Амударёда эркин ҳаракат қилиши учун имтиёзли ҳуқуқлар берилди. Шу йўсинда минтақадаги сўнги мустанқил хонлик тугатилди.

Абдумажид АЗИМОВ